



Руководство по продукту
Онлайн контрольно-кассовая
машина

PAX A930

Онлайн назорат касса
машинаси маҳсулоти бўйича
қўлланма

ARCA
— GROUP —

Мундарижа

1. Техник тавсифлар	4
2. Ўрнатиш ва созлаш бўйича йўриқнома	6
2.1. Назорат рўйхати	6
2.2. Махсулот таърифи	7
2.3. Ёкиш	9
2.4. Чек қоғозини ўрнатиш	10
2.5. Картани ўқиш қурилмаси	11
2.6. SIM-карта	11
2.7. SD хотира картаси	11
2.8. Ускунани тозалаш	11
2.9. Ускуна учун тавсия этилмаган шароитлар	12
2.10. Литий-ионли аккумулятордан фойдаланиш бўйича тавсиялар	12
3. Техник кўрик журнали	12
4. Таъмирлаш ишлари ўтказилганлиги	26
хақидаги қайдлар	31
5. Техник хизмат кўрсатилганлик хақидаги қайдлар	27
6. Кафолат шартлари	29

Ўзбекча

Техник тавсифлар

Операцион тизим	PayDroid Powered by Android 7.1
Процессор	Application CPU: Quad-core Cortex®-A53, 1.4GHz Security CPU: 32-bit RISC Core (ARMv7-M) 1.25DMIPS/MHz
Хотира	1GB DDR + 8GB eMMC
Дисплей	5.5-inch 720 x 1280 IPS Display with Capacitive Touch
Клавиатура	1 x Ёкиш/ўчириш тутмаси 1 x Овозни қўпайтириш тутмаси 1 x Овозни камайтириш тутмаси
Сенсорлар	Ёруғликнинг автоматик датчиги G-Sensor (ихтиёрий)
Карт-ридерлар	Магнитли карт-ридер Смарт-картларни ўқиш қурилмаси Алоқасиз (контактсиз) карт-ридер
Камералар	Фронтал: 0.3 Мегапикселли фокус камера Асосий: 5 Мегапикселли автофокусга ва диодли ёритгичга эга камера
Батарея	7.2V / 3350mAh Литий-ионли аккумулятор
Динамик	1 x Динамик
Ўлчамлар	190 x 84.4 x 65.8 мм Оғирлик (гр): 460 (Батарея билан биргаликда)
Алоқа	FDD-LTE / TDD-LTE WCDMA/ TD-SCDMA / EVDO GSM / CDMA Bluetooth 4.2 WiFi: 802.11 b/g/n, 2.4GHz, 802.11ac b/g/n, 5GHz (ихтиёрий), Hotspot

Жойлашув	GPS, Glonass, BeiDou, Galileo
Принтер	2-дюймли юқори тезликдаги термопринтер Чоп этиш тезлиги: 80mm/s Қоғоз кенглиги: 58mm Диаметр: 40mm
Интерфейс портлари	1 x слот SIM карта + 2 x слот SAM карта (ёки 2 та SIM + 1 та SAM) 1 x слот Micro SD карта, 128GB тача қўллаб-қувватлаш 1 x Type-C қувватлаш қурилмаси учун порт Порт (USB 2.0 OTG) 1 x 3.5мм Audio Jack 6pin POGO pin
Аксессуарлар (ихтиёрий)	Кувватлаш базаси Портларга эга бўлган кўп функционалли база: 1RS232, 1 x LAN (RJ45), 2 x USB Type-A Host, 1 x USB Type-C қувватлаш қурилмаси учун порт, 1 x LED қувват индикатори
Индикаторлар	Алоқасиз транзакциялар индикацияси: Кўк, Сарик, Яшил, Қизил Смарт-карталар индикацияси
Фойдаланиш шароитлари	-10°C ~ 50°C (14°F ~ 122°F) Ишчи ҳарорат -20°C ~ 70°C (-4°F ~ 158°F) Сақлаш ҳарорати 5% ~ 96% конденсациясиз, ўртacha намлик
Қувват	Кириш: 100 - 240V AC, 50Hz / 60Hz Чиқиш: 5.0V DC, 2.0A
Сертификатлар	CCC / CE / FCC, PCI PTS 5.x NSICC, EMV L1 & L2, Visa payWave MasterCard Contactless MasterCadr TQM Amex ExpressPay, Discover D-PAS, etc.

1. Назорат рўйхати

Илтимос, маҳсулот очилгандан сўнг бутловчи жиҳозларни текширинг. Агар бирон бир жиҳоз йўқ бўлса сотувчига мурожаат қилинг.

Номи	Миқдори
Онлайн НҚМ	1
Адаптер	1
USB кабель	1
Аккумулятор	1
Маҳсулот бўйича йўриқнома	1



2. Маҳсулот таърифи

Олдидан кўриниш



Изоҳ: Тақдим этилган аппаратнинг расмлари ҳақиқий маҳсулотдан фарқ қилиши мумкин.

Патент рақами: Р/Н 200312000000XXX

Ушбу ҳужжат сизга фақаттина ахборот мақсадларида тақдим этилмоқда. PAX номи ва PAX логотипи PAX TECHNOLOGY Inc. компаниясининг қайд этилган савдо белгиси ҳисобланади. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.

PAX A930 маҳсулотининг Ўзбекистон Республикаси худудидаги расмий дистрибутори МЧЖ «ARCA GROUP».

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Жиззах вилояти, Фориш тумани, Боғдон, Шароф Рашидов кўчаси, 3-йи.

Qo'llab-quvvatlash xizmati +998 78 1202323, www.arca.uz



Орқа күриниши



SIM-карта ва SD-хотира картаси учун слот



рис. 5

Ўзбекча

SAM1 - Фискал модуль

SAM2 - Хавфсиз уланиш модули

3. Ёқиш

Қувват тутмаси. Ёқиш/Ўчириш

Қувватни ёқиш учун: Қувват тутмасини босиб, СК-экран ёнгунига қадар ушлаб туринг.

- Қизил индикатор. Ускуна қувватланмоқда.
- Яшил индикатор. Қувватланиш тугатилди.
- Қизил ва яшил индикаторлар алмашып ёниши: Қувватланишда муаммо мавжуд.

Қувватни ўчириш учун: Қувват тутмасини босинг ва Ўчириш менюси пайдо бўлишигача ушлаб туринг.

Менюда ушбу бандини босинг Отключить питание.

Аккумуляторни қувватлаш

Фойдаланувчи аккумуляторни адаптер ёрдамида қувватлаши мүмкін ва қувватланиш ҳолати СК-экраныда күрсатылади. Аккумуляторни зарядлашни 48 соатдан ортиқ қолдириш тавсия этилмайды

4. Чек қоғозини үрнатиш

Чек қоғозини үрнатиш учун:

1. Принтер қопқоғини очинг (б-расм)



2. Чек қоғозини үрнатинг



3. Эхтиётлик билан қопқоқни ёпинг.

Қоғозни йиртиш учун уни кесиш қирраси бўйлаб тепага тортинг.

5. Картани ўқиши қурилмаси



расм. 8

Магнит лентали карталар учун: Картани унинг магнит лентали томони онлайн НҚМга чап томонига йўналтирилган ҳолда йўлакчага жойлаштиринг. Картани бир хил тезликда слотдан ўтказинг. Картани икки тарафи билан ўтказиш мумкин.



расм. 9

Ўзбекча

Смарт-карталар учун: Картани унинг чипини тепага қараттан ҳолда слотга жойлаштиринг. Картани слотга тақалтунга қадар ўрнатинг.



расм. 10

Алоқасиз тўлов зонаси: Алоқасиз (контактсиз) картани «Оплатиъ» командасидан сўнг, онлайн НҚМнинг алоқасиз тўлов зонаси NFS яқинига жойлаштиринг.

6. SIM-карталар

SIM-картани ўрнатиш учун онлайн НКМнинг орқа қисмидаги аккумулятор қопқоғини очинг. SIM картани тегишли слотта жойлаштиринг ва аккумулятор қопқоғини ёпинг.

7. SD хотира картаси

SD хотира картасини ўрнатиш учун онлайн НКМнинг орқа қисмидаги аккумулятор қопқоғини очинг. Micro SD картасини Micro SD тегишли слотта жойлаштиринг ва аккумулятор қопқоғини ёпинг.

8. Ускунани тозалаш

ОГОҲЛАНТИРИШ: Қаттиқ ишлаб чиқариш ёки абразив тозалаш воситаларидан фойдаланманг, чунки улар экранни шикастлаши ёки тирнаши мумкин. Онлайн НКМни сувга ёки суюқликка солманг. Сув ёки тозалаш воситасини ўқиш қурилмаси ёки карталар учун слотта тушишидан сақланг. Экранни тозалаш учун дистилланган сув ёки тозалагични юмшоқ матога суртинг ва экранни эҳтиётлик билан тозаланг.

9. Ускуна учун тавсия этилмаган шароитлар

1. Ускунага тўғридан – тўғри қуёш нурларининг тушишига, ҳаддан ташқари чангнинг, намликтининг ва иссиқликнинг таъсир қилишига йўл қўйманг. Ускунани микротўлқинли печ ва фен каби шовқинларни келтириб чиқариши мумкин бўлган электр қурилмаларига яқин жойлаштируманг
2. Қурилмани тебранманг, силкитманг ёки тушируманг
3. Асл бўлмаган аккумуляторлардан фойдаланманг.
4. Қурилмадан фойдаланиш бўйича маслаҳат ва маслаҳат олиш учун илтимос, ARCA GROUP техник ёрдамига мурожаат қилинг.

12. Литий-ионли аккумулятордан фойдаланиш бўйича тавсиялар

1. Аккумуляторни қуёш нури тўғри тушадиган жойда, тутун ёки чанг шароитда ишлатманг.
2. Аккумуляторни зарбадан сақланг ва уни суюқлик ёки оловга солманг.
3. Аккумулятор бузилган бўлса, фойдаланишни тўхтатинг.
4. РАХ А930 Онлайн Терминал учун фақат оригинал аккумулятор ва зарядловчи қурилмадан фойдаланинг.
Аккумуляторни муддати тугаши билан батареяни алмаштириш имкониятини кўриб чиқинг.
5. Онлайн НҚМни узоқ вақт давомида зарядлаш аккумуляторнинг ишлаш муддатини қисқартириши мумкин.
6. Агар Аккумулятор кам ишлатилса, аккумуляторнинг ишлаш муддатини қисқартирмаслик учун уни ҳар 6 ойда бир зарядланг.
7. Агар батарея 2 йилдан бери ишлатилмаган бўлса, уни янгисига алмаштиринг.
8. Ишлатилган батареяларни тегишли равишда утилизация қилинг.

Ўзбекча